БУГУН ТОШКЕНТДА ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 67 (12.420)

Чоршанба, 20 март 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

Партия ҳозирги босқичда идеология ишидаги асосий вазифа барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқининг сарқитларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданиятни вужудга келтиришдан иборат, деб ҳисоблайди.

КПСС ПРОГРАММАСИДАН.

КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА ҚУДРАТЛИ ФАКТОР

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXII съезди партия ва халқимизни коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программаси билан қуроллантирди. КПСС Программасида белгиланган буюк вазифаларни амалга ошириш учун ҳозирги даврда идеология ишларининг савияси ва таъсирчанлигини янада ошириш талаб этилади.

«Коммунизм ғалабаси учун курашда, — дейилади КПСС Программасида, — идеология иши тобора кучли факторга айланмоқда. Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади ва, бинобарин, коммунизм қурилиши вазифалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади».

Коммунизм энди узоқ келажак эмас, унинг муаззам ёруғ биноси миллион-миллион совет кишиларининг ижодий меҳнати билан кун сайин ва соат сайин тобора баландроқ қад кўтармоқда. Инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунистик жамиятни барпо этиш бутун халқимизнинг бевосита амалий вазифасига айланди. Ленинчи Коммунистик партиямизнинг амалга оширган буюк тарихий ишлари якунида икки улуғ куч — халқ билан коммунизм бирлашиб кетди, коммунизм қуриш иши қаҳрамон совет халқининг энг жонажон иши бўлиб қолди. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, буржуа қарашлари ва ахлоқининг сарқитларини батамом тугатиш, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстириш, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтириш — идеология ишидаги бош ва асосий вазифадир. Чунки кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва ҳар тарафлама ривожлантириш коммунистик қурилишнинг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Жамият барча аъзоларининг онги ва маданиятини ўстирмасдан туриб, энг юқори даражадаги меҳнат унумдорлигини вужудга келтиришга, коммунистик ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга ва коммунистик турмуш қоидаларини ўрнатишга эришиб бўлмайди.

Бугун Тошкентда очиладиган Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгаши ҳозирги даврда идеология ишларининг аҳволи ва бу соҳадаги ғоят муҳим вазифаларни муҳокама қилади, идеология ишининг юксак савияси, таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришиш учун конкрет тадбирлар белгилаб беради.

Республикамиз партия ташкилоти КПСС XXII съезди қарорлари ва партия Программасида кўрсатилган улуғвор вазифаларни бажариш учун курашиб, идеология ишларининг савияси ва таъсирчанлигини ошириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида маълум иш қилди, ўзининг бу соҳадаги бутун фаолиятини коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини муваффақиятли бажаришга бўйсундирди. Бироқ коммунистик қурилиш манфаатлари идеология соҳасидаги ҳамма ишларнинг савиясини доимо юксалтириб боришни, уларнинг ҳажмини тобора кенгайтиришни, жанговар партиявий идеологик қуролнинг барча воситаларидан самарали фойдаланишни, коммунистик тарбия масалаларининг доимо ҳар бир партия ташкилоти диққат-эътибор ва фаолияти марказида туришини талаб қилади.

«Идеология ишига етарлича баҳо бермаслик фактларига, унинг ташкилотчилик ишларидан ажралиб қолишига, — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев партия XXII съездида қилган докладида, — энди батамом хотима бериш керак. Идеология иши билан ташкилотчилик ишини қандай тарзда бўлмасин, қарама-қарши қилиб қўйиш нотўғри ва зararлидир. Идеология соҳасида ишловчи ходим, агар у ҳақиқатан ҳам ўз фаолиятининг самарали бўлишига интилса, албатта оммaнинг сиёсий ташкилотчиси бўлиши керак. Иккинчи томондан, шу нарсани эсда тутиш керакки, ташкилотчилик ишининг асосий методлари кишиларни ишонтириш ва тарбиялашдан иборатдир. Идеология ишининг савиясини ошириш бизнинг бутун амалий ишларимизда муваффақиятга эришишнинг сўзсиз шартидир».

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, янги инсонни — коммунизм кишисини шакллантиришда, партиянинг оммага ғоявий таъсирини кенгайтиришда сиёсий ўқиш, лекция пропагандаси, оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлар, матбуот, радио, телевидение, кино, адабиёт ва санъат катта роль ўйнайди. Коммунистик партия идеология фронтининг ғоят муҳим бу участкаларида ҳормай-толмай ишлаётган, марксизм-ленинизм идеяларининг тантанаси учун актив курашаётган ва коммунизм байроғини муқаддас билиб баланд кўтариб бораётган идеология ходимларининг жуда катта армиясини тарбиялаб етиштирди ва уларнинг фаолиятини юксак қадрламоқда. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлари традицияга айланиб бораётганлиги, яқинда бўлиб ўтган учрашувда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган ғоят мазмунли ва ёркин нутқи, идеология ходимлари кенгашининг Бутуниттифоқ миқёсида ва Ўрта Осиё республикалари бўйича ўтказилиши партиямиз томонидан кўрсатилаётган олижаноб ғамхўрлик ва зўр эътиборнинг далилидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида, биз идеология соҳасида тинч-тотув яшашга қаршимиз, жаҳонда бир-бири билан муроса қила олмайдиган икки идеология — социалистик идеология билан буржуа идеологияси ўртасида кескин кураш бораётганлигини эсда тутмоқ керак, деди. Бу курашда идеология фронтининг солдатлари — ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, журналистлар, кино, театр ходимлари, фан, маориф, маданият арбоблари, лектор, пропагандист ва агитаторлар — партиямизнинг ғоявий жангчилари олдинги сафда бўлишлари, социализм ва коммунизм душманларига қақшатқич зарба беришлари, ўз ғоявий қуролларини ўтмаслаштирмасдан ҳамма вақт жангга тайёр туришлари керак. Биз кескин ғоявий кураш даврида, кишиларнинг онги учун, уларни қайта тарбиялаш учун кураш олиб борилаётган даврда яшамоқдамиз. Бу, ўртоқ Хрушчев айтганидек, станок ва заводларни қайта қуришга қараганда анча қийинроқ бўлган мураккаб бир процессдир. Идеология фронтининг ходимлари кишилар психологиясини ўзгартирувчи бу мураккаб процессда ўз-ларининг муносиб ўринларини эгаллашлари, одамларга коммунистик жамият кишисига хос юксак ва олижаноб фазилатларни сингдиришда муносиб ҳисса қўшишлари, ўз хизматлари билан коммунизм ғолиб идеяларининг қарор топишига кўмаклашишлари лозим.

Партия барча ижодий ходимларни ўз таланти билан коммунизмнинг буюк ишига хизмат қилиш, марксизм-ленинизм идеяларининг тантанаси учун курашга чақирмоқда. Совет жамоатчилиги ҳаётий ҳақиқатдан узоқлашишни, салгина бўлса ҳам сиёсатдан четда туриш, ғоясизлик кўринишларини, бадиий савияси паст китоб, пьеса, спектакль ва фильмларни тўғри ва қаттиқ танқид қилмоқда. Адабиёт ва санъат арбобларининг энг биринчи бурчи — совет тузумининг ҳаётий негизини ташкил этган ленинчи Коммунистик партиямизнинг сиёсатига ва ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқида илгари сурилган фикрларга ўзларининг бутун ижодий ишларида амал қилишдир.

Партия марксизм-ленинизмни пропаганда қилишга, кадрларни марксча-ленинча таълимот билан қуроллантиришга, халқ оммасининг сиёсий онгини оширишга алоҳида аҳамият бермоқда. Сиёсий мактаблар ва тўгараклар, лекция ва матбуот орқали олиб бориладиган пропаганда, олий ўқув юртларида марксизм-ленинизмнинг ўқитилиши, партия ташкилотлари олиб борадиган барча агитация-пропаганда ишлари меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги олижаноб ишга хизмат қилиши керак. Ҳозирги вақтда идеология ишлари соҳасида биринчи галда турган вазифа меҳнаткашларга партияни ва бутун халқни коммунизмнинг тўла тантанаси учун кураш плани билан қуроллантирувчи КПСС янги Программасини чуқур тушунтиришдан иборатдир. Шунга эришмоқ керакки, кадрларимиз, коммунистлар ҳосил қилган билимларини амалий вазифаларни ҳал этишда қўлланма сифатида муваффақиятли суратда татбиқ эта олсинлар.

Олимларимиз олдида жуда катта вазифалар турибди. Улар ўз кашфиётлари билан коммунизмнинг буюк қурилишлари планларини амалга оширишга, мамлакатимизда экономика ва маданиятни янада ғоят зўр даражада юксалтиришга актив ёрдам беришлари лозим. Бу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун совет олимлари фанни ижодий равишда ривожлантиришлари ва такомиллаштиришлари, коммунистик қурилиш соҳасидаги амалий тажрибаларни умумлаштириб, фанни тинмай олға суришлари керак.

Матбуот — партиямизнинг қудратли ғоявий қуроли; радио, телевидение оммага ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатишнинг кучли воситасидир. Партия ташкилотлари ана шу воситалар ёрдами билан идеология ишини юксак даражага кўтара оладилар. Барча партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси идеология соҳасидаги ишларнинг савиясини тинмай юксалтиришдан ва таъсирчанлигини янада оширишдан иборат. Улар кадрларни ва барча коммунистларни марксча-ленинча тарбиялашга доимий равишда конкрет раҳбарлик қилишлари, матбуот органлари, илмий муассасалар ва ўқув юртлари, ижодий союзлар олиб бораётган ишларнинг моҳияти ва мазмунидан, театрлар ва киностудиялар ишларидан хабардор бўлишлари лозим. Фан, маданият ва санъат муассасаларидаги ишларга кўз-қулоқ бўлиб туриш, идеология соҳасидаги энг муҳим масалаларни системали равишда муҳокама қилиб бориш, хотин-қизлар ўртасидаги сиёсий-тарбиявий ишларга жиддий эътибор бериш, эскилик саржитларига қарши шафқатсиз ўт очиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадиллик билан авж олдириш партия ташкилотларининг бурчидир.

Идеология ишининг асосий вазифаси шундан иборатки, у кишиларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга, хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишга, давлат планларини муваффақиятли бажаришга ёрдам берсин. Саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг конкрет натижалари, меҳнаткашлар оммаси ғайрат ва ташаббусининг мисли сиз ўсиши идеология ишининг савиясига баҳо бериш учун ўлчов бўла олишини бир минут ҳам унутмаслик керак.

Идеология ишларининг савиясини ҳозирги юксак талаблар ва коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифалари даражасига кўтарайлик!



Суратда Ўрта Осиё республикалари идеология ходимлари кенгаши қатнашчиларидан бир группаси. (чапдан ўнгга): Тожикистон ССР Конибодом ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети партия маорифи кабинетининг мудири Худойназар ШУКУРОВ, Туркманистон ССР Керки ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари Биби МАМЕДҚУЛИЕВА, Туркманистон ССР Денов районидаги ўрта мактаб директори Эмин ҲАЛИЕВ, Сурхондарё область, ижроия комитети раисининг ўринбосари Султоной ҲАМРОЕВА, Қирғизистон ССР Ўш областидаги Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари Райимжон ИСМОИЛОВ, Қирғизистон ССР Қорасув ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари Сора СЕРКЕБАЕВА, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон жамияти Сурхондарё область бўлимининг масъул секретари Холбой ХОЛМУРОДОВ.

В. Сироткин фотоси.

ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

Никита Сергеевич Хрушчевнинг партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан Кремлда бўлиб ўтган учрашувида сўзлаган нутқи иттифоқчи республикалар халқларининг адабиёт ва санъат арбоблари қатори бизнинг санъаткорларимиз учун ҳам программ ҳужжат бўлиб қолди. Совет санъаткорлари ўз асарларида колхозчилар ва шичилар, хизматчи ва зиёлилар — барча замондошларимизнинг ҳаёти ва курашини, порлоқ истиқболини ҳаққоний акс эттириши керак. Ҳаётимизнинг, кишиларимизнинг бой маънавий дунёсини бизиб кўрсатувчи абстракционизм биз учун ётдир.

Ҳаётни қуп-қуруқ кўчириб қўя қолиш ярамайди. Ҳаётни қуйламоқ керак. Бу ҳақиқий санъаткорнинг йўли, реализм талабидир. Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг мазкур кенгаши ҳам Коммунистик партиянинг биз, идеология фронти ходимлари ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир.

А. ҚУТТУБОЕВ,
Қирғизистон ССР халқ артисти.

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Гўзал Тошкентда ўтказилаётган Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгашига — катта анжуманга делегат сифатида қатнашиш бахтига муяссар бўлганим учун ғоят хурсандман.

Коммунистик партия ленинча халқлар дўстлиги сиёсатини оғишмай амалга ошириб, мамлакатимиз халқларининг тарихда мисли кўрилмаган буюк бирдамлигини вужудга келтирди. Мамлакатимиз халқлари қардошлик оиласида хўжалик, маданий қурилишдаги ютуқларнигина эмас, идеология ишларидаги тажрибаларни ҳам ўзаро алмашиш, баҳам кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда партиямиз биз, идеология фронтининг ходимларини бутун куч ва билимимиз, ташкилотчилик қобилиятимизни, қалбимиз ҳароратини меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга тўла сафарбар этишга чақирмоқда. Биз бу оташин чақириққа ҳамиша лаббай деб жавоб берамиз.

О. РАҲИМОВ,
Тожикистон ССР Нов колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари.

Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДЛАРИ ВА НУТҚЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ ТОМИ

Давлат Сиёсий адабиёт нашриёти Н. С. Хрушчев докладлари ва нутқларидан иборат «СССРда коммунизм қурилиши ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» деган китобнинг бешинчи томини нашр қилди. Бу томга 1961 йил февраль ойидан октябрь ойигача бўлган нутқлар ва хатлар киритилган.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумидан кейин КПСС Марказий Комитети деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги конкрет тадбирларни муҳокама қилмоқ учун Совет Иттифоқининг асосий зоналарида қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Н. С. Хрушчевнинг Россия Федерацияси Марказий қоратупроқ зонаси колхоз ва совхоз илғорларининг кенгашида 1961 йил 11 февралда сўзлаган «Илғор тажриба ва фан ютуқларига таянниб, қишлоқ хўжалигининг умумий юксалишига эришайлик» деган нутқи бешинчи томда эълон қилинган.

Китобга Н. С. Хрушчевнинг РСФСР Қоратупроқ бўлмаган зонаси қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида 23 февралда сўзлаган «Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик савиясини оширайлик» деган нутқи киритилган. Н. С. Хрушчевнинг Урал, Сибирь ва бошқа ерлардаги қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашларида сўзлаган нутқлари эълон қилинган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бешинчи томга тўпланган нутқлари ва хатларида колхоз ва совхозларнинг жуда бой резервлари очиб, мамлакат қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилаш йўллари кўрсатиб берилган. (ТАСС).

ТАЖРИБА МИНБАРИ

Етти йилликнинг бешинчи баҳори нақадар файзли, кўркам! Барча совет меҳнаткашлари қатори идеология ходимларининг ҳам ижодий меҳнат ғайрати бўлоқдек қайнаётир. Мамлакатимизда эркин ижодий тажриба алмашишлар дўстона, самимий суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгаши ҳам ҳаёт олға сурган муҳим масалаларни коллектив бўлиб ҳал этишга, идеология соҳасидаги ишимизни коммунизм замонасига хос юксак поғонага кўтаришга ёрдам беради. Кенгашда янги тажрибалар ўртага ташланади ва бу коммунизм қурилишини тезлаштиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

К. КАИМОВ,
«Қирғизфильм» студиясининг бош редактори.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Биз революцион тадбирлар ижодкори ленинчи Коммунистик партия билан фахрланамиз. Ленинча таълимот асосида саноат ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилганлиги идеология ходимларига ҳаётнинг ичига кириб бориб, кенг омма билан ҳамкорликда ишлаш учун жуда қулай имкониятлар яратди.

Ҳаётнинг ўзи идеология ишининг янги форма ва методларини олға сурмоқда. Ҳозирги пайтда жамоатчилик асосида ишловчи ташкилотлар айниқса кўпайди. Бизнинг бошқармада ҳам кўплаб штатсиз лекторлар группаси, идеология комиссиялари ишлаб турибди. Ҳеч шубҳа йўққи, Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг бу кенгаши тажриба алмашишда катта ва фойдали мактаб бўлади.

Б. МАМЕДҚУЛИЕВА,
Туркманистон ССР Керки ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси шу йил 22 март кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залида очилади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 20 март эрталаб соат 11 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида рўйхатга олинади.

ЎРТА ОСИЁ МАГИСТРАЛИ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

18 мартда Тошкентда Ўрта Осиё темир йўли партия-хўжалик активининг магистраль коллективининг 1962 йилги иш якунлари ва етти йилликнинг бешинчи йилидаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раисининг ўринбосари В. И. Акулинцев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида КПСС Марказий Комитети Президиуми якдиллик билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Докладчи — Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи А. М. Қодиров ва музокара қатнашчилари магистралнинг резервлари тўғрисида, унинг ишини яхшилаш йўллари ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда СССР Йўллар министри Б. П. Бешчев нутқ сўзлади.

Магистраль коллективининг 1963 йилги социалистик мажбуриятлари қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик хати қабул қилдилар.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Н. В. Мартинов, Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, КПСС Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг инструктори Н. Б. Титов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат ва қурилишга раҳбарлик бюроси раисининг ўринбосари С. Л. Семенов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат ва транспорт бўлими мудири В. В. Нуштаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ — КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙМИЗ

Коммунистик партиямизнинг Программасида коммунизм ғалабаси учун курашда идеология ишининг тобора кучли факторга айланиши алоҳида кўрсатилган. Унда таъкидланадики, идеология ишидаги асосий вазифа барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқи сарқитларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстириб, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборатдир.

Партия программасида белгилаб берилган бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши идеология ишларининг таъсирчанлиги ва жанговарлигини оширишга, турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга боғлиқдир. Лекин бу катта вазифани партия аппаратидаги бир группа ходимлар ёрдами билангина уддалаш қийин албатта. Бунда кўпроқ партия активига, жамоатчиликка таяниб иш кўриш керак. Кейинги пайтларда идеология соҳасида вужудга келган жамоатчилик асослари шундай қудратли кучга айландики, масалан, бизнинг шаҳарда бу ишни ривожлантириш натижасида партия сиёсий маорифи шохобчаларида ўқишни яхшилаш, меҳнаткашлар ўртасида ўқиладиган лекция ва докладларнинг савиясини кўтариш, маданий-оқартув ишларга кенг жамоатчиликни актив жалб этишга эришилди.

Шу билан бирга агитация-пропаганданинг янги, самарали форма ва методлари, ишлаб чиқаришга, турмушга яқин бўлган усуллари вужудга келди. Ҳозир шаҳар партия комитети ҳузурида, айрим бошланғич партия ташкилотларида жамоатчилик асосида тузилган идеология комиссиялари ишлаб турибди. Бу комиссиялар ҳузурида турли секциялар, чунончи: партия маорифи, маданий-оқартув, ўқув юртлари, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, илмий атеизм, матбуот ва хотин-қизлар ўртасида ишлаш секциялари ўз фаолиятларини жонлантириб юборди.

Сиёсий маориф секцияси ўз ишида дастлабки тажрибаларни тўплади. Бу секциянинг аъзолари тўгарак, семинар, сиёсий ва иқтисодий билимларни эгаллаш мактабларига биркитиб қўйилган. Улар машғулотларга қатнашадилар, пропагандистларнинг лекциялари қай мазмунда ва савияда ўтганлигини анализ қиладилар, энг яхши тўгаракларнинг тажрибаларини умумлаштирадилар ва оммалаштирадилар. Секциянинг ёрдами билан сиёсий маориф кабинетларида пропагандистлар учун доимий ҳаракатдаги инструктив кенгашлар ташкил этилди. Бу кенгашларда пропагандистларга методик ва назарий ёрдам кўрсатилади. Шу билан бирга секция жойларда назарий, илмий-сиёсий темаларда конференциялар, кекса коммунистлар билан учрашувлар ўтказиш намунасини кўрсатмоқда.

Сиёсий-оммавий ишлар секцияси ўзининг қизиқарли ва жонли ишлари билан меҳнаткашларга таниш ва яқин бўлиб қолди. Бу секция темир йўлчилар клуби, шаҳар марказий кутубхонаси, Максим Горький номли маданият уйи ва бошқа жойларда 8-10 кишидан иборат кўмакчи группалар тузди. Бу группалар ана шу маърифат ўчоқларида кенг меҳнаткашлар оммасининг кечаларини уюштирмоқда.

В. И. Ленин номидаги темир йўлчилар клубида ва маданият уйида рус ҳамда ўзбек тилларида «Ҳамма нарсани билишни истайман» деган оғзаки журнал ташкил этилди. Бу журнал ишчиларда ҳавас уйғотди. Бевосита жонли кишилар қатнашадиган бу журналнинг ҳар бир сони мазмунли ва қизиқарли чиқарилади.

Биз маҳаллаларда идеология ишлари доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Уй-рўзғор иши билан банд бўлган кишиларни, пенсионерларни сиёсий ва халқаро воқеалардан хабардор қилиб туриш ва маҳалла меҳнаткашларини қизиқтирган ҳамма масалаларга ўз вақтида тўғри жавоб бера билиш жуда муҳимдир. Шуни ҳисобга олиб, биз маҳаллаларда сиёсий ташкилотчилар сонини кўпайтирдик. Ҳозир 18 маҳаллада доимий ҳаракатдаги агитпункт, хотин-қизлар совети, ўртоқлик судлари ишлаб турибди. Кейинги пайтда бир неча маҳаллада савол-жавоб кечалари ўтказдик. Жамоатчилик орасида олиб борилаётган бу иш катта натижалар беришига ишонч ҳосил қилдик. Савол-жавоб кечаларида одатда шаҳар партия, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳам қатнашадилар. Улар аҳолини қизиқтирган саволларга ўша жойнинг ўзида жавоб берадилар.

Маҳаллаларда тузилган хотин-қизлар советлари айниқса кўп иш қилдилар. Улар аёлларни меҳнатга ва жамоат ишига жалб этиш, оилада болалар тарбиясини яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш ҳолларини қатъиян тугатиш каби масалалар билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

Идеология комиссияларининг секциялари баъзи принципиал масалалар юзасидан шаҳар партия комитети бюросига масалалар киритмоқдалар. Шаҳар интеллигенциясининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли, болалар муассасаларига хўжалик ва жамоат ташкилотларининг оталиқ ёрдамини кучайтириш ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина масалалар партия комитетида муҳокама қилинди.

Идеология ишларида муҳим звено жамоатчилик асосларида вужудга келган халқ университетларидир. Ҳозир шаҳарда 8 жойда соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат, ота-оналар, илмий атеизм, ташқи сиёсат ва бошқа шунга ўхшаш университетлар ишлаб турибди. Бу университетларда машғулотлар белгиланган план асосида олиб борилиб, унда тегишли фан бўйича мутахассислар машғулотлар ўтказмоқдалар. Аҳоли ўртасида олиб бориладиган лекция ва докладларнинг ишлаб чиқариш билан боғланиши анча яхшиланди. Лекциялар ўқишга шаҳар партия комитетининг аъзолари, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг лекторлари, педагоглар, врачлар, инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш илғорлари жалб этилмоқда.

Биз идеология ишлари соҳасида тўплаган бу дастлабки тажрибаларимизни амалий иш билан мустаҳкамлаймиз. Лекин ҳали бу соҳада анчагина камчиликлар бор. Жамоатчилик асосларида тузилган комиссия ва секцияларнинг аъзолари бир хил даражада, яъни, ўз зиммаларига топширилган вазифаларни бажаришга муттасил ва ижодий ёндошяпти, деб айта олмаймиз. Биз бундай камчиликларга барҳам бериб, идеология ишлари савиясини юқори даражага кўтариш ва пропаганда-агитациянинг таъсирчанлигини ошириш йўли билан омма ўртасидаги тарбиявий ишларни янада яхшилаймиз ҳамда меҳнаткашларнинг бутун куч-қувватларини шаҳар олдида турган хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этамиз.

Х. ШАРИПОВА.

Қарши шаҳар партия комитетининг секретари.



Урганч шаҳар партия комитетида идеология комиссияси аъзоларининг тез-тез йиғилиши ўтказилиб турилади. Унда қилинган ишларга якун ясалиб, навбатдаги вазифаларни амалга ошириш тадбирлари ҳақида маслаҳатлашилади. Суратда: комиссия аъзоларининг навбатдаги йиғилиши, (чапдан ўнгга) комиссия раиси К. Турдиев, комиссия аъзоларидан М. Еқубова, В. Кузнецов, С. Лекарова, М. Елқибоева, Я. Ражабов, М. Алиакбаров ўртоқлар галдаги вазифалар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

О. Еқубов фотоси.

САНЪАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

Ҳалима НОСИРОВА,
СССР халқ артисти.

Умумсовет маданияти қучоғида бизнинг ўзбек санъатимиз ҳам беқиёс юксалди. У ўзининг ажойиб куйлари, рақслари, опера ва симфониялари билан халқимизга хизмат қилмоқда. Санъатимизнинг юксалгани маҳоратимиз, тингловчиларнинг ҳаққоний фикрлари, севиб олқишлашлари билан белгиланади. Санъатимизга мафтун бўлганлар чет элларда ҳам кўп.

Мен қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувдаги сўзларини ўқиб, ғоятда ҳаяжонландим. Партиямиз ғамхўрлиги менга илҳом берди, ғайратимга ғайрат, санъатимга қанот бағишлади. Санъатимиздаги ютуқлар билан бирга жиддий нуқсонлар ҳам очиб ташланиб, кўнглимиздаги гаплар айтилди. Ўртоқ Хрушчев «Интернационал» — партия гимни кишиларга қанчалик ҳаяжон, завқ беришини, революцион қўшиқларимиз доимо севилиб айтилишини, Д. Ойстрахнинг скрипкада ижро этган куйлари дилрабо эканлигини тўлқинланиб айтдилар. Ўртоқ Хрушчев бошқа халқлар санъати қаторида бизнинг ўзбек музика ва куйларимизни тинглаганликлари, улар завқ бағишлаганини ҳам айтдилар. Ҳа, халққа ўз санъатимиз билан хизмат қилишдан ҳам аъло ва фахрли иш борми! Бизнинг шашмақом ва халқ куйларимиз кўп асрлар давомида яратилиб, авлоддан авлодга ўтмоқда. Мен узоқ йиллардан буён халқ қўшиқларини куйлайман, бу ажойиб қўшиқлар, мақомлар халқимизга доим манзур бўлмоқда.

Ғарб джазларига тақлид қилиб, ноўрин ғат-ғут қилишлар, баъзи ёшларнинг шундай бемазмун музикаларга берилиб кетиши бизни ажабланти ради. Ғашга тегувчи, қулоқни йиртувчи шовқин, телва-тескари ғайри инсоний ҳаракатлар кишини ғазаблантиради. Улар бизнинг одобимизга мос келмаслиги маълум. Бундай бемазмун «музикалар», формалистик суратлар бизнинг коммунистик ғоямизга ёт эканлиги айтилиб, қораланди.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси ва куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яратган қўшиқ ва куйлар қандай дилрабо. Бу куйлар халқимиз юрагидан чуқур жой олгандирки, қанча йиллар ўтса ҳам севилиб куйланади.

Атоқли композиторлар Р. М. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Гулсара» операси арияларини завқ билан ижро этаман. Композитор М. Бурхонов асарлари менга ёқади. Унинг музикалари ҳис билан ёзилади; у чуқур лиризм, инсонийлик, қардошлик, баҳодирлик туйғулари билан суғорилган. М. Бурхонов катта меҳнат туфайли маҳорат топгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Т. Жалилов, Ю. Ражабий каби машҳур музикантларимиз ўзбек халқи музика маданиятини юксалтиришда озмунча меҳнат қилмадилар. Уларнинг юраги беқиёс хазина. Халқ музикаларини ҳамда совет композиторларининг энг яхши асарларини кенг ташвиқ қилиш, маданий меросимизга нигилистик қаровчиларга зарба бериш бизнинг вазифамиз ва бурчимиз. Янги, талантли музика асарлари билан бирга бадиий меросни ҳам қувватлаш кераклиги ҳақида партиямиз ғамхўрлигидан ғоятда миннатдорман. Халқимизнинг дур-гавҳарларини кўз қорачиғидек асрашимиз лозим.

Ёшларни тарбиялаш — биз санъат арбобларининг шарафли вазифамиз. Замонамиз қаҳрамонларини куйлайдиган забардаст опералар ва оммавий қўшиқлар яратишимиз ва уни маҳорат билан ижро этишимиз керак. Коммунизм қураётган халқимиз дидига мос асарлар яратайлик.

600 ЖАМОАТЧИ ИНСПЕКТОР

Когон темир йўл бўлинмасига қарашли Қизилтепа станциясидан 2133 номерли юк поезди ўтиб борарди. Станция навбатчиси В. Шчикатуров ҳар бир вагоннинг ҳаракатини зийраклик билан кўздан кечира бошлади. Тўсатдан бир вагоннинг жуфт ғилдираги айланмаётганлигини пайқаб қолди. Дарҳол поездни тўхтатиш чораси кўрилди. Жуфт ғилдирак бузилиб, бу ҳодиса поезд ҳаракатини хавф остида қолдирган эди. Тезда чуқсон тузатилиб, поезд ўз йўлида давом этди.

Поездни ўз вақтида тўхтатиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаганлиги учун ўртоқ Шчикатуровга темир йўл бошлиғининг ташаккури эълон қилинди ва пул мукофоти топширилди. У — поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича жамоатчи инспектор. У хизмат вазифасини виждонан адо этади, техника эксплуатацияси қоидаларини амалга ошириш учун дадил курашади. Шунингдек у, станциядаги бошқа ходимлардан ҳам ана шундай бўлишни талаб қилади.

Ўрта Осиё темир йўлининг барча хўжаликларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича 600 дан ортиқ жамоатчи инспектор иш олиб бормоқда. Ўртаовул станциясининг стрелкачиси Холиқов, Урсатьевск станцияси техника назорат пунктининг вагон назоратчиси Мўминов, Тошкент йўл дистанциясининг ишчиси Фролов сингари жамоатчи инспекторлар поездларнинг график бўйича қатнашини таъминлаш, вагонларнинг бефойда туриб қолишини камайтиришда алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

Н. КРАВЧЕНКО.

КАТТА КУЧ

Урганч шаҳар партия комитети партия, давлат қурилишида жамоатчиликнинг иштирокини кучайтиришда анча тажриба тўплади. Жамоатчилик асосида ишлаш КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидан кейин янада кенгайди.

Шаҳар партия комитети ҳузурида жамоатчилик асосида ишлайдиган идеология комиссияси ташкил қилинган. Унинг составида турли касб эгаларидан 15 киши — ўқитувчи К. Легкова, медицина ходими Э. Ҳожиев, матбуот ходими Э. Самандаров, ёг заводи план бўлимининг бошлиғи А. Лекерова, санъат ходими М. Раҳимов ва бошқа ўртоқлар бор.

Комиссия ташкил этилган куннинг эртасигаёқ шаҳар партия комитетида кенгаш ўтказилиб, иш плани тузилди. Комиссия аъзолари касби ва ихтисосига қараб турли ташкилотларга биркитилди. Бироқ идеология комиссиясининг дастлабки фаолияти шаҳар партия комитетининг бюроси қабул қилган қарорга қисман ўзгариш ва қўшимча киритишини тақозо этар эди. Жумладан, комиссия ҳузурида турли тармоқлар бўйича секциялар тузиш зарурияти туғилди. Бундай қилинганда планни амалга ошириш осонлашади. Шу мақсадда партия пропагандаси, оммавий-сиёсий ишлар, халқ маорифи ва илмий-атеистик секциялар тузилди. Уларга актив коммунистлар бошлиқ қилиб тайинланди.

Оммавий-сиёсий ишлар секциясининг аъзоси Шавкат Халимов шаҳар савдо ташкилотида кадрлар танлаш, тарбиялаш ва тўғри жойлаштириш масаласи билан шуғулланди. Бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Масалан, ўтган йили шаҳар савдоси системасида 297 киши ишга қабул қилиниб, 153 киши бўшатилган. Харидорлар ҳақига хиёнат қилган 70 савдо ходимига маъмурий жазо берилган. 20 киши эса ишончни оқлай олмагани учун ишдан четлатилган.

Нега шундай аҳвол юз берди? Ўртоқ Ҳалимовни ана шу масала қизиқтирди. Фактлар шуни кўрсатдики, шаҳар савдоси партия ташкилоти ходимлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга эътибор бермайди. Савдо ходимлари орасида совет савдоси институти ва техникумларида сиртдан ўқувчилар кам. Лекция, суҳбатлар ўтказиб турилмади. Шаҳар савдо идорасининг ўзида ҳатто кутубхона, қизил бурчак ташкил этилмаган. Айрим савдо ходимлари ойлаб газета, журналлар ўқимайдилар.

Ўртоқ Ҳалимовнинг ташаббуси билан тайёрланган ва идеология комиссияси маъқуллаган ахборот шаҳар партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари кўрилди. Бу ерда совет савдоси экономикасини ўрганиш юзасидан 2 тўгарак, савдо шохобчаларида эса КПСС тарихини, сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгараклари ташкил қилинди. Савдо ходимлари орасида «КПСС XXII съезди материаллари — коммунизм қурилишининг жанговар программаси», «Партия XXII съезди қарорлари ва совет савдосининг ривожлантирилиши», «Халқаро аҳвол ҳақида» ва бошқа темаларда лекциялар ўтказилмоқда.

Жамоатчилик асосларида ишлайдиган ўртоқлик суди секцияси ташкил қилинди.

Секция аъзоси Аҳмад Собиров суд-прокуратура органларида бўлиб, социалистик қонунчиликнинг амалга оширилиши, хотин-қизлар ҳаёти билан шуғулланди. Фактлар хотин-қизларнинг турмушдаги нотенг мавқеининг қолдиқларини тамомила йўқотиш, уларни ижтимоий меҳнатда ва жамоат ҳаётида актив иштирок этишини таъминлашда анча тадбирлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Суд-прокуратура органларининг ходимлари «Коммунизмда оила ва никоҳ» сингари темаларда лекциялар ўқимоқдалар, маҳаллаларда бўлиб, суҳбатлар ўтказмоқдалар, уй ишлари билан шуғулланувчи аёлларни жамоат ишига тортишда актив қатнашмоқдалар.

Бироқ, ўртоқ Собиров суд-прокуратура органлари фаолиятидаги айрим нуқсонларни ҳам аниқлади. Жумладан, нафақа тўлашдан бош тортган баъзи бемеҳр оталар тартибга чақирилмаган, жазоланмаган. Ўртоқ Собировнинг таклиф ва мулоҳазалари шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида, хотин-қизлар советларининг йиғилишларида муҳокама қилинди.

Тепловоз депоси ишчилари орасида ҳар ойда икки марта лекция ўтказилади, агитаторлар ҳар куни дам олиш пайтида ишчилар билан 15-20 минут суҳбатлашадилар. «Жанговар варақа»лар чиқариб турилади. Кейинги вақтларда меҳнат илғорларининг муваффақиятига бағишлаб «Молния», «Ўрнак ол» варақалари ҳам чиқарила бошлади. Идеология комиссияси тепловоз депоси партия ташкилотининг бу тажрибасини оммалаштириш юзасидан шаҳар партия комитети бюросида ахборот берди. Шундан кейин бу тажриба барча бошланғич партия ташкилотларида оммалаша бошлади.

Идеология комиссияси ва унинг секциялари шаҳар партия комитетига унинг эътиборидан четда қолган масалаларни эслатиб туради. Ҳозир уларнинг таклифи билан маҳаллаларда фан ва техника янгиликлари, совет космонавтларининг парвози, фан ва дин, мўъжизасиз мўъжизалар деган темаларда савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Шу билан бирга секция аъзолари жуда муҳим таклифлар тақдим этишди. Шаҳарда қурилаётган 1500 ўринли иккита мактабни 1963 йил охирида ишга тушириш мўлжалланган эди. Секция аъзолари резерв ва имкониятларни ҳисоблаб чиққач, ана шу мактабларни 1963 йил биринчи кварталида ишга тушириш учун ҳамма имкониятлар борлигини аниқладилар ва шаҳар партия комитетидан бу ишга бош-қош бўлишни илтимос қилдилар. Ҳақиқатда аҳвол ўрганиб чиқилганда уларнинг таклифи реал эканлиги маълум бўлди. Натижада ҳар икки мактаб битказилиб, ишга туширилди.

Шаҳар партия комитетининг штатли ва штатсиз ходимлари ягона мақсад йўлида — меҳнаткашларни КПСС XXII съезди ва партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленуми белгилаган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этиш йўлида ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

М. НАЗАРОВ,
С. ИБРОҲИМОВ,

Фарғона областидаги Охунбобоев номли совхоз территориясида жойлашган Данғара посёлкасида доимий агитпункт ишлаб турибди. Агитпунктда консультация столи бор. Консультация столи аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб беради. Суратда: агитатор Муборак Тиллабоева агитаторлар билан консультация ўтказмоқда.

И. Мархаев фотоси.



МЕҲНАТКАШЛАР МИННАТДОР

Самарқанд шаҳар корхоналари, қурилишлари ва маданият муассасаларида «жамоатчилик асосида» деган ибора тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Фабрика ва заводларда, қурилиш ва транспортда жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик бюролари, рационализаторлар советлари, хотин-қизлар советлари ишламоқда. Бу яхши ташаббусга шаҳар маданият ходимлари ҳам қўшилдилар, штатсиз шаҳар маданият бўлими ташкил этилди. Бир неча халқ университетлари, кутубхона ва клубларда ҳам иш жамоатчилик асосида олиб борилмоқда. Бу ташаббус шаҳар меҳнаткашлари ўртасида илмий билимларни кенг тарқатиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, саноат корхоналари ва қурилишларда техникани тараққий эттириш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Шаҳарда ташкил этилган маданият университетида тўрт йилдан буён машғулот мунтазам ўтиб турибди. Университетнинг 9 факультетида 1200 киши билим олмоқда. Бу ерда тингловчилар журналистика, оммавий-сиёсий билимларни эгаллайдилар. Аввалги йили университетнинг сиҳат-саломатлик факультетини 52 киши битириб чиқди. Шунингдек, шаҳарда ташкил этилган ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар, савдо ва темир йўлчилар университетларида ҳам машғулотлар мунтазам давом этмоқда.

Самарқанддаги 10 та клубда иш жамоатчилик асосида ташкил этилган. Бу клублардан кўпчилиги меҳнаткашларнинг севимли жойи, сиёсий-оммавий ишларнинг марказига айлантирилган. Панжикент, Тошкент ва Иттифоқ кўчаларида жойлашган клубларга кечқурунлари юзлаб кишилар келиб маданий хордиқ чиқарадилар. Клубларда тез-тез лекция ва суҳбатлар, китобхонлар конференциялари ўтказилиб турилади.

Жамоатчилик асосида ташкил этилган учта кутубхона аҳоли ўртасида китобни кенг пропаганда қилишда катта хизмат қилмоқда. Шаҳардаги 1-кутубхона қошида ташкил этилган атеистлар клубида турли илмий-атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда «Коммунизм ва дин», «Қоинот бизники», «Фан ва дин» ва бошқа темалардаги лекцияларни 6000 дан ортиқ киши тинглади.

Ш. МУҲТАРАМОВ.

КОММУНИСТИК ИДЕОЛОГИЯ ЭНГ ИНСОНПАРВАР ИДЕОЛОГИЯДИР. КОММУНИСТИК ИДЕОЛОГИЯНИНГ ИДЕАЛЛАРИ КИШИЛАР ЎРТАСИДА, ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ЧИНАКАМ ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИШДАН, ИНСОНИЯТНИ ҚИРҒИН УРУШЛАР ХАВФИДАН ХАЛОС ҚИЛИШДАН, ЕР ЮЗИДА ҲАММА КИШИЛАР УЧУН УМУМИЙ ТИНЧЛИК ВА ЭРКИН ҚУВНОҚ ҲАЁТ ЎРНАТИШДАН ИБОРАТ.

КПСС ПРОГРАММАСИДАН.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЁРДАМИ

ТОШЛОҚ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Совет» колхози кўкламга яхши тайёрланмоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларнинг ҳиссаси катта. Киров қишлоқ Совети ҳузурида тузилган доимий комиссия шу кеча-кундузда дала ишларига яқиндан ёрдам бермоқда. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан кўклам экишга тайёрлик ишлари текшириб чиқилди. 1260 гектар ерга қўшимча сув қуйилди. Ҳар гектар ер ҳисобига 6-7 тоннадан гўнг тайёрланди. Кўпчилик майдонлар чигит экишга тахт қилиб қўйилди.

ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА МУҲИМ ВОСИТА

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИДЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРИ ОММАНИНГ КОММУНИСТИК ОНГЛИЛИГИНИ, МЕҲНАТ ВА СИЁСИЙ АКТИВЛИГИНИ ОШИРАДИ, КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ДОИМО ҲАРАКАТ ҚИЛУВЧИ ЭНГ МУҲИМ ФАКТОРИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

КОНКРЕТ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ...

Мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши авж олдирилган ҳозирги пайтда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш алоҳида моҳият касб этмоқда. Кишиларнинг онги, сиёсий тушунчаси нақадар юқори бўлса, КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларида белгиланган улуғвор вазифалар шу қадар тез ва муваффақиятли бажарилади. Шу сабабли биз колхозчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда меҳнатга, жамоат мулкига нисбатан тўғри муносабатда бўлишни кучайтиришга жиддий эътибор бермоқдамиз.

Партия ташкилоти идеология ходимларининг жуда катта отрядига эга. 60 дан ортиқ агитатор, 30 га яқин пропагандист, сиёсий докладчи партия ва ҳукуматимиз қарорларини колхозчиларнинг онгига сингдиришда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераётир. Биз пропаганда ва агитациянинг конкрет ва таъсирчанлиги учун курашяпмиз. Ҳар бир лекция, доклад, суҳбат ҳўжалик олдида турган ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар билан боғлаб олиб борилаётир. Илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилиб, йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост очиб ташланмоқда, уни бартараф этиш тадбирлари олға сурилмоқда.

П. Фозилов, Р. Абдурахмонов, С. Эшпўлатов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳар йили гектаридан 30-35 центнердан пахта ҳосили етиштиряпти, улар ўтган 4 йилда етти йиллик план топшириғини шараф билан бажарди. Идеология ходимлари ана шу илғор бригадаларнинг иш тажрибасини пропаганда ва агитациянинг ёзма ва оғзаки формаларидан кенг фойдаланиб оммалаштираётир. Суҳбат ёки лекция вақтида колхозчиларнинг диққат-эътибори бу йил колхозимиз бўйича 3150 тонна пахта етиштиришга қаратилмоқда.

Яқинда лекторлар пахтачилик бригадаларида «Маҳсулот таннархини камайтириш йўллари» деган темада лекция ўқишди. Лекцияни 600 дан ортиқ колхозчи тинглади. Ўтган йили колхоз бўйича бир центнер пахта етиштиришга 20 сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Ваҳоланки илғор бригадаларда бир центнер пахтанинг таннархи 10-12 сўмга тушди. Бунга сабаб илғор бригадаларда дала ишлари комплекс машиналаштирилган. Бу йил колхоз бўйича бир центнер пахта етиштиришга кўп деганда 12 сўм маблағ сарфлашни кўзда тутмоқдамиз. Идеология ходимлари бу тадбирни колхозчилар орасида кенг пропаганда қилаётирлар.

Партия ташкилоти агитация ва пропаганда ишларини хўжаликнинг барча соҳаларида кучайтирмоқда. Сут-товар фермалари, қурилиш участкаси, ем-хашак тайёрлаш бригадаси ва бошқа жойларда 15 дан ортиқ олий маълумотли, катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган меҳнат новаторлари қизғин иш олиб бораётир. Биз бундан кейин ҳам идеология ишларининг таъсирчанлигини ошириш учун курашамиз.

М. УМРЗОҚОВ,
Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ЭГАЛЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Автоном республикаси партия ташкилотлари сиёсий маориф шохобчаларида машғулотларнинг ҳаёт билан боғланишини кучайтиришда бирмунча муваффақиятга эришдилар. Бу ўқув йилида саноат ва қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганадиган тўгараклар анча кўпайди ва улардаги тингловчилар сони ўсди. Одатда бундай тўгаракларда иқтисодий билимлар илгари назарий жиҳатдангина асослаб берилар эди. Бу ўқув йилида эса у ёки бу тема юзасидан ўқилган лекция бўйича амалий тажрибалар уюштирилиши кадрларга, ишчи ва колхозчиларга иқтисодий билимларни эгаллашда катта ёрдам бермоқда.

Кегайли районидаги Энгельс номли совхоза ташкил этилган қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш тўгарагида чўпон, сут соғувчи, бўлим бошлиғи ва бригадирлардан иборат 23 тингловчи ўқимоқда. Кейинги машғулотларда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш ҳақидаги қарори ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу тўғрида қилган мазмунли доклади ўрганилди. Тўгарак раҳбари ўртоқ Маханов машғулотларга пухта тайёргарлик билан келади, ўтилган темани асослаб беришда кўргазмали қуроллардан фойдаланади, совхоз ҳаётидан мисоллар келтиради.

Корхона, қурилиш ва транспортда корхона конкрет экономикасини ўрганишга бўлган қизиқиш қанчалик ўсаётганлигини шу фактдан ҳам кўриш мумкинки, Нукус шаҳридаги деярли ҳамма бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ана шундай тўгараклар ташкил этилди. Ремонт заводидаги тўгаракка пропагандист ўртоқ Гардон раҳбарлик қилаётир. У программадаги темалар юзасидан ўқиладиган лекцияларнинг баъзиларини тингловчиларнинг ўзларига топширмоқда. Лекциянинг охирида пропагандист эсдан чиқарилган масалаларни тўлдиради ва якун ясайди. Жумладан, «Ҳўжаликни бошқаришни ўрган» деган темада технолог Мовчанов, «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларидан унумли фойдаланиш йўллари» деган темада бош бухгалтер Иноятов ўртоқлар лекция ўқидилар. Уларнинг лекцияси жонли, қизиқарли фактларга асосланган бўлди. Программа материалларини шу хилда ўрганиш машғулотлар савиясини кўтаришга, саноат корхоналари экономикасини ўрганиш тўгарак қатнашчиларининг ўз бурчларини яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам бермоқда.

Партия маорифи шохобчаларида ўқувнинг яхши ташкил этилиши ишчилар ва колхозчиларнинг меҳнат активлигини оширишга ёрдам бераётганлигини кўрсатадиган бундай мисоллар кўп.

Ф. АН.



АМУДАРЁ районидаги Манғит посёлкасида янги китоб магазини очилди. Китоб магазинида харидорлар ўзларига ўзлари хизмат қиладилар. СУРАТДА: янги магазинда.

Р. Саидов фотоси.

ПРОПАГАНДИСТ

Иш куни тугади. Ишчилар бирин-кетин тарқала бошладилар. КПСС тарихини ўрганиш тўгарагининг қатнашчилари пропагандист Соибжон Содиқов кабинетига тўпланишди. Бугун тўгаракда «Улуғ Ватан уруши йилларида партия раҳбарлиги» деган тема юзасидан машғулот бўлади.

Мана, машғулот ҳам бошланди. Ишчилар тўгарак раҳбари — механика мастерскойининг бошлиғи ўртоқ С. Содиқовнинг лекциясини диққат билан тинглайдилар. Пропагандист Улуғ Ватан уруши йилларидаги катта қийинчиликлар, совет халқининг немис-фашист босқинчиларини Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқаришда кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида батафсил гапирди. У, уруш йилларида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар, қандай тез тикланганлиги тўғрисида фактлар келтирди.

Ўрганилаётган тема тингловчиларга яқин ва тушунарли эди. Чунки, уларнинг кўпчилиги Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, баъзилари эса уруш туфайли ота-онасидан, ака-укаларидан ажралган кишилар. Шунинг учун ҳам улар темани муҳокама қилишда актив қатнашдилар. Тема юзасидан пропагандистга кўпгина саволлар берилди. Пропагандист Содиқов ҳар бир саволни кўпчилик ўртасига ташлаб, ким қандай тушунганини аниқлаб олди. Сўнг саволларга ўзи пухта жавоб берди.

Ўртоқ С. Содиқов 6 йилдан буён пропагандистлик қилади. Дастлаб у конкрет экономикани ўрганиш тўгарагига раҳбарлик қилди. КПСС XXII съездидан кейин тингловчилар партия тарихини ўрганиш истагини билдирдилар. Ўртоқ С. Содиқов бу тўгаракка пропагандист этиб тайинланди. Тўгарак КПСС тарихини ҳозир иккинчи йил ўрганаётир.

Тўгаракдаги тингловчиларнинг кўпчилиги — дейди пропагандист, —слесарь, токарь, тунукасоз ва бошқа касб эгалари. Уларнинг маълумотлари ҳам ҳар хил. Шунинг учун машғулотга пухта тайёргарлик кўриш ва уларга бериладиган саволларни пухта ўйлаб тузишга тўғри келади. Ҳар бир темани тушунтиришда кўпинча кўргазмали материаллардан: сиёсий ва иқтисодий карталардан, етти йиллик планни акс эттирувчи диаграмма ва плакатлардан фойдаланаман. Темани шу кундаги вазифаларга боғлашда комбинатимиз ва фабрикамиз экономикасини акс эттирувчи плакатлар, диаграммалар катта ёрдам беради. Бу кўргазмали материаллардан тингловчилар ҳам яхши фойдаланадилар.

Тингловчилар илгари конкрет экономикани ва партия XXII съезди материалларини пухта ўрганганликлари уларнинг назарий билимларни кундалик иш фаолиятига боғлашларига катта ёрдам қилаётир. Улар рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида актив қатнашмоқдалар. Тўгарак тингловчиларидан П. Т. Старчак ва С. Куликовлар маҳсулотни транспортёр лентаси ёрдами билан ташиш системасини жорий қилдилар. Натижада қўл меҳнати анча енгиллашди, неча минг сўмлаб маблағ иқтисод қилинди. В. Г. Горбунов, В. Г. Семенов ҳамда М. Хисомиддиновлар эса эски деталларни реставрация қилишни таклиф қилдилар. Бу таклиф жорий қилинди. Ҳозир фабрикада эски деталлардан фойдаланиш, ипни электропоезд ёрдамида ташиш кенг қўлланилмоқда.

Тингловчилар бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган коммунистик принципга қатъий риоя қилмоқдалар. Уларнинг таклифи билан фабрикада, цехларда кассирсиз ойлик олиш, касаба союз аъзолик бадалларини кассирсиз тўлаш ва биргаликда янгича тўй-томошалар ўтказишни таклиф қилдилар. Бу таклифларни фабрика коллективи якдиллик билан маъқуллади ва улар амалда жорий қилаётир.

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йигирув-тўқув фабрикасининг коммунист Соибжон Содиқов раҳбарлик қилаётган КПСС тарихини ўрганиш тўгарагида 25 тингловчи бор. Улар машғулотларга мунтазам иштирок этадилар. Тўгарак тингловчилари марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганиш мақсадида сиёсий, бадиий адабиётларни, газета-журналларни доимо ўқиб борадилар. Уларнинг ҳаммаси марказий, республика газета-журналларига обуна бўлишган.

Кейинги машғулотларда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материаллари ўрганилди.

Н. ХУДОЁРОВ.



Диққат-диққат! Колхоз радиоузелидан гапирамиз! Бу ёқимли овоз Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Крупская номли колхоз аъзомат пахтакорларининг қулоқларига сингиб қолган. Ҳа, колхоз пахтакорларининг ўртасида тез-тез бўлиб, ўзининг ёқимли, сермазмун суҳбатлари билан уларнинг диққатини ўзига жалб этган бу жонкуяр ташкилотчи агитатор колхоз марказидаги 13-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Абдулла Тошпўлатовдир. У колхозчилар ўртасида мароқли суҳбатлар ўтказиш билан чекланиб қолмай, колхозчиларнинг кечки дам олиш пайтларида ҳам колхоз радиоузелидан уларга мазмунли суҳбатлар эшиттириб туради. Суратда: микрофон олдида Абдулла Тошпўлатов.

Ш. Мардиев фотоси.

МАЗМУНЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият Қува район бўлими лекциялар темасини кенгайтириб, мазмунини чуқурлаштирмоқда. Ўтган йили аҳоли орасида турли темаларда 4600 дан ортиқ лекция ўқилди. Лекциялар КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларига асосланган бўлиб, меҳнаткашларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидаларига содиқлик руҳида тарбиялаш, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилгандир.

Бўлим атрофига 375, шу жумладан 41 хотин-қиз лектор уюшган. Улар орасида олий ва тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар, медицина ходимлари, ишлаб чиқариш машъаллари бор. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотининг раҳбар ходимлари лекция пропагандасини кучайтиришда фаол қатнаша бошладилар.

Лектор ўқитувчилардан Тешабоев, Абдуллаев, Сулаймонов, Боймуродов ўртоқларни, инженер Абдуллаев, Ҳомидов, Болтабоевларни ҳамма ҳурмат қилади. Улар лекция ўқишга пухта тайёргарлик кўрадилар, лекция давомида кўргазмали қуроллардан яхши фойдаланадилар. Тажрибали, ўз касбига ихлосманд лекторлар ўтган йили ва шу йилнинг ўтган ойларида меҳнаткашлар орасида кўплаб лекция ўқидилар.

Бўлимнинг қишлоқ группалари лекцияларнинг турли форма ва методларидан кенг фойдаланмоқда. Навоий номли, Водил қишлоқ Советидаги «Коммунизм» колхозларида қизғин иш олиб бораётган лекторлар группаси меҳнаткашлар орасида савол-жавоб кечалари, тематик кечалар ўтказмоқда, илғор тажрибаларни оммалаштирмоқда. Навоий номли колхоз қошида оналар университети, Аввал қишлоқ Советида соғлиқни сақлаш университети ташкил этилди.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият аъзоси.

ҚИШЛОҚ ЛЕКТОРЛАР ГРУППАСИ

Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги коммунистик меҳнат хўжалиги номини олган «Коммунизм» колхози пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мутасил мўл ҳосил етиштириб келади. Хўжаликда етти йилликнинг тўртинчи йили ҳам яхши якунланди: 710 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» олинди. Бу 1961 йилдагига нисбатан гектар бошига 2,5 центнер кўпдир.

Бу ютуқни қўлга киритишда қишлоқ хўжалик илғорларининг иш тажрибаларини кенг пропаганда қилиш катта аҳамиятга эга бўлди. Колхозда ташкил этилган жамоатчилик асосида ишлайдиган лекторлар группаси прогрессив усулларни пропаганда қилишда колхоз партия ташкилотига катта ёрдам бермоқда.

Лекторлар группасининг 15 аъзоси бор. Улар орасида колхоз раислари, агрономлар, зоотехниклар, механизаторлар, ўқитувчилар, экономистлар, врачлар ва бошқа мутахассислар бор. Группага мактаб директори Тожимурод Халилов бошчилик қилади.

Ўтган йили лекторлар группаси аъзолари колхозчилар орасида 150 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Шундан 80 таси қишлоқ хўжалиги илғорлари тажрибаларини оммалаштиришга бағишланди.

Лекторлардан Ингитали Қўзибоев «КПСС XXII съезди—коммунизм қурувчилар съезди», «Коммунистик жамият қурувчисининг ахлоқ кодекси», «Рўза ва унинг меҳнаткашларга зарари», «КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари» ҳақида, колхоз комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Жума Низомов «ВЛКСМ XIV съезди якунлари ва колхоз комсомол ташкилотининг вазифалари», Т. Халилов ва У. Қодиров ўртоқлар «Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда меҳнат унумдорлигини оширишнинг роли», «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш пахта ҳосилдорлигини оширади» деган темаларда лекциялар ўқидилар. Юқори ҳосил устаси Аҳмадали Юсуфжонов бошлиқ комплекс механизациялашган комсомол-ёшлар бригадасининг иш тажрибаси муфассал ўрганилиб, пахтакорлар орасида кенг пропаганда қилинияпти. Ўртоқ Юсуфжоновнинг ўзи пахтачилик бригадаларида бўлиб, мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларини сўзлаб берди. У суҳбат давомида мўл ҳосил олишнинг «сири»ни очиб берди. Колхозчиларни пахтачиликда янги прогрессив усулларни кенг қўлланишга ундади.

Қишлоқ лекторлар группаси аъзолари ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини колхозчилар орасида кенг пропаганда қилиш ва уларнинг куч ва ғайратини 1963 йилги топшириқларни муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда.

А. МАДРАҲИМОВ.

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Қишлоқ область партия комитети колхоз ва совхоз партия ташкилотлари секретарларининг икки кунлик семинарини ўтказди. Семинарда область партия комитети секретарлари М. Иброҳимов, А. Маҳмудов ўртоқларнинг «Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VI пленуми якунлари ва областдаги колхоз, совхоз партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» ҳамда «КПСС XXII съезди қарорлари асосида идеология ишларини қайта қуриш тадбирлари ҳақида»ги докладлари тингланди.

Шунингдек, семинарда колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг секретарлари ўзаро тажриба алмашдилар. Айрим партия ташкилотларининг ибратли тажрибалари оммалаштирилди. Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни янада яхшилаш тадбирлари белгиланди.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Чоршанба кунлари кечки пайт Охунбобоев номидаги Тошкент шаҳар маданият уйида фабрика ва завод ишчиларини, цех бошлиқларини, ишлаб чиқариш новаторларини, маорифчиларни, маҳаллалардан келган кишиларни учратишингиз мумкин. Ёшлари ҳам қар хил, касб-корлари ҳам турлича бўлган бу кишилар Халқаро муносабатлар халқ университетининг тингловчиларидир. Улар бу ерда ўзларини қизиқтирган барча масалаларга — Совет Иттифоқининг тинчлиқсевар ташқи сиёсати, дипломатия тарихи, халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ нормалари асослари масалаларига тўла жавоб олмоқдалар.

Халқаро муносабатлар университети Октябрь районидаги жамоатчилик асосларида ишлаб турган 24 халқ университетининг биридир. Унинг очилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ленин университет тезда кўпчиликнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Ҳозир лекцияларга 200 дан ортиқ киши қатнашмоқда. Университетга кириш анкеталари шу неча кундузда ҳам тўлдирилмоқда. Бу — университет раҳбарларининг, биринчи галда, унинг штаби — илмий совет аъзолари олиб бораётган ажойиб ташкилий ишларнинг самараси.

Университетда машғулотларни малакали мутахассислар, тарихчилар, иқтисодчилар, шарқшунослар, фан ва маданият арбоблари олиб бормоқдалар. Ҳар сафарги машғулотлардан сўнг илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади. Бу эса ўтилган темани чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштиришга ёрдам бермоқда. Масалан, «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Совет Россиясининг умумий тинчлик, миллий мустақиллик, халқлар ва давлатларнинг суверенитети учун кураши» деган темадаги лекциядан сўнг «В. И. Ленин Октябрда» ҳужжатли фильми, «Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро аҳвол ва СССРнинг фашист агрессорларга коллектив зарба бериш учун кураши», «Герман ҳамда япон агрессорларининг тор-мор қилиниши» деган темалардаги лекциялардан сўнг «Волгоград жанги» фильми намойиш қилинди. Шунингдек, шаҳар ва район маданият уйи ҳаваскорларининг концертлари ҳам уюштирилди.

Университетда машғулотлар икки йиллик ўқув программаси асосида олиб борилмоқда. Ўқув программасида турли ташкилий тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилган. Чунончи, лекциялардан ташқари савол-жавоб кечалари, консультациялар, дипломатик ходимлар, чет эл мамлакатлари делегациялари ва чет элларга бориб келган СССР граждан лари билан учрашувлар ўтказилади.

Университетни битириб чиққанлар Совет Иттифоқининг ташқи ва ички сиёсати масалаларини, дипломатия тарихи ва халқаро муносабатлар, ҳуқуқ нормалари асосларини эгаллаб оладилар. Уларга гувоҳномалар топширилиб, халқаро муносабатлар юзасидан лекциялар ўқиш ҳуқуқи берилади. Университетга марҳамат.

Н. ЕҚУБОВ.

САЛОМ, ТОШКЕНТ!

Тошкентга кела туриб, яқин кунларда қурилиб ишга туширилган Душанба аэропорти билан Тошкент аэропорти ўхшашлигини кўрдим. Тожик деҳқонининг кенгашида қатнашган ўзбек вакилининг чеҳрасида ва сўзларида тожик намояндасининг сиймоси ва ҳаракатини яққол кўрдим. Мен «Навоий» билан «Рудакий» пьесаларида ҳам яқинлик ва ҳамоҳанглиги сезгандим. Дарҳақиқат, биз тожик ва ўзбек халқининг ана шундай ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлигимиз юриш - туришимизни ҳам, ишимиз мазмунини ҳам бирбирига ўхшаштиргандир ва уйғунлаштиргандир.

Аммо янада ўйлаб қарасангиз, ҳамма нарсаларда, аэропорт биносининг тузилиши ва тартибида ҳам, «Навоий» ва «Рудакий» пьесаларининг маъно ва мазмунида ҳам ўзига хос томонларни, ўзига мансуб услуб ва миллий шаклларни кўрасиз. Биз маданиятимизни «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деб бежиз айтган эмасмиз.

Мен ана шу фикрлар билан банд эканман, Душанбадан Тошкентга қандай қилиб етиб келганимни ҳам билмай қолибман. Ана Тошкент аэропорти, жонажон Москвамизнинг укаси, гўзал Тошкент, нозу неъматларга тўлиб-тошган Тошкент, дўстларим ва биродарларим яйраб яшаётган Тошкент!.. Бу шаҳарнинг номи менинг хотирамда унутилмас айёмларни, тарихий кунларни, ажойиб воқеа ва ҳодисаларни гавдалантиради. Бу қадимий шаҳардирки, бир вақтлар ўзининг жанговар ўқ-ёйлари билан оламга машҳур бўлиб, Фирдавсий ўз «Шаҳнома»сида тилга олган. Ана ўша Тошкент, қадимий Чоч, ҳозирги вақтда жумлаи жаҳонга илму маърифат, тинчлик-сулҳу сафо йўллаётир, эндиликда Тошкент ўз пахтаси, ўз чит-сатинлари, шойи, бахмал, атлас, беқасамлари билан, қишлоқ хўжалиги машиналари билан, ўз металлургияси — пўлати билан, атом реактори билан башарият ҳаётининг порлоқ ривожу равнақи учун хизмат қилмоқда.

Тошкент Ўрта Осиёнинг энг кўркам ва энг йирик саноат шаҳри, фабрикалар, заводлар шаҳри, маданий-маориф шаҳри. Бу шаҳарда ҳур ўқиб, илм олиб, сўнгра

Жалол ИКРОМИЙ,
тожик ёзувчиси.

<>

шаҳарларига бориб хизмат қилаётган кишилар озмунча эмас. 1930-1931 йилларда Тошкентдан, Ўзбекистондан ёш Тожикистон республикасининг пойтахти Душанбага юзлаб, минглаб талантли ёшлар кўмак ва ёрдамга борган эдилар. Улар босмачи шайкалар ҳужумига қарши кўкракларини қалқон қилдилар, улар саводсизликни тугатиш учун курашдилар, улар фабрика ва заводлар қурдилар, колхоз ва совхозлар тузидилар. Тожик халқи қардош ўзбек халқининг бу ёрдамларини ҳеч қачон унутмайди. Фрунзега, Душанбага, Ашхободга ва шу каби Ўрта Осиё Турсунзода, Улуғзодадек бизнинг илм ва адабиёт арбобларимиз Тошкентда таҳсил кўрганлар, Али Тўқимбоев, К. Бойалинов каби қирғиз ёзувчилари Тошкентда таълим олганлар. Совет ҳокимияти йилларида Тошкент машҳур шаҳар бўлиб донг таратмоқда.

Тошкентда ўртоқларим — ўзбек ёзувчилари мени кутиб олишди, биз қардошларча самимий кўришдик. Мени бахт ва илҳом париси Тошкентга олиб келди. Мен оддий совет ёзувчиси сифатида бир асар ёздимки, ундаги воқеаларнинг кўпчилиги Тошкентда содир бўлгандир. Мен бу шаҳарнинг кўчаларида, боғларида, майдонларида, трамвайларида, машиналарида, магазинларида, фабрика ва заводларида ўз асарим қаҳрамонларини кўришни истайман. Менинг халқим — тожик халқи қадимдан ўз тақдирини рус ва қардош халқлар тақдири билан чамбарчас боғлагандир. Улар курашларда бирга бўлган, Октябрнинг бахту шодиёнасини. файзини биргаликда кутиб олган. Бугунги кунда эса коммунизм сари биргаликда одим ташлаб боратётирлар.

Бўлиб ўтган адабий кечаларнинг бирида дўстим, азиз биродарим Ғафур Ғулом шундай деди:

— Биз бир ота, бир онанинг фарзандларимиз. Бизнинг жону дилимиз, мақсад ва интилишимиз, расму қоидамиз — ҳаммаси, ҳаммаси бир!

Ҳақиқатан ҳам худди шундай. Мен шу мақсад билан Тошкентга келдим, ана шу мақсад билан ушбу сатрларни ёзиб айтаманки:

— Салом, сенга қадрдон Тошкентим!

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Бўлунғур ишлаб чиқариш бошқармаси чорвадорлари устълабинскликлар ва янгийўлликларнинг ташаббусига қўшилиб давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини 104,5 процент бажардилар. Пландаги 8720 центнер ўрнига 9116 центнер сифатли гўшт сотилди.

Райондаги айрим хўжаликларнинг чорвадорлари янада қувончли кўрсаткичларга эришдилар. «Красногвардейск» совхози давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини 144,5 процент, «Бўлунғур» совхози 360,6 процент бажарди.

Район чорвадорлари давлатга сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш планларини ҳам муддатдан илгари ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.



РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўрта Чирчиқ ва Бўка ишлаб чиқариш бошқармаларида 1963 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари О. Бердиев ва Бўка ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи И. Юнусов ўртоқларнинг докладлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Ўрта Чирчиқ ва Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини бажариш учун курашиб, давлат планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Колхоз ва совхозларда 1963 йил тадбирлари белгиланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўлкўл етиштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинди.

Маълумки, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўтган хўжалик йилида жиддий камчиликларга йўл қўйдилар. Кўпгина хўжаликларда дала ишлари ўз вақтида сифатли ўтказилмади. Ғўзани квадрат-уялаб экиш плани бажарилмай қолди. Яганалаш, суғориш ва озиқлантириш энг қулай агротехника муддатларида ўтказилмади. Хосилни йиғиштириб олишда эса техникадан қониқарсиз фойдаланилди. Йўл қўйилган ана шу хатоларни бу йил такрорламаслик мақсадида бошқарма партия комитети зарур тадбирларни ҳозирданоқ кўрмоқда. Колхозлар мутахассис кадрлар ҳисобига мустаҳкамланиб, кўкламги тайёргарлик ишлари анча уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Ўртоқ Юнусовнинг таъкидлаб ўтишича, хўжаликлар ўтган йилдаги хато ва камчиликларни тузатиб, пахта ҳосилини ўтган йилга нисбатан 13 минг тоннага кўпайтиришга қарор қилганлар. Бунга асосан хўжаликлардаги қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш ва ҳосилдорликни ошириш йўли билан эришилади. Шу мақсадда беш агроном, 7 механик, 6 зоотехник ва бошқа кўпгина мутахассислар қолоқ хўжаликларга доимий ишлаш учун юборилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқларнинг қайд қилишича, бу бошқармаларнинг партия ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбар ходимлари ўтган йилги айрим хатоларнинг такрорланишига бу йил ҳам йўл қўймоқдалар. Буни қишлоқ хўжалик ишларининг чўзиб юборилаётгани, кўпгина колхозларда ва совхозларда қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва шайлаб қўйиш ишлари ҳалигача тугалланмаганлигидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Бўка» ва «Пискент» совхозларида, Охунбобоев номли, «Гулистон», Хамза номли ва Мичурин номли колхозларда, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли совхозда, Калинин номли, Свердлов номли колхозларда ва бошқа бир қатор хўжаликларда техникани тайёрлашда ғоят ташвишли аҳвол юз бермоқда.

Бу шуни кўрсатадики, Ўрта Чирчиқ ва Бўка партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳақиқий ташкилотчилари даражасида турмаганликларини, колхоз ва совхозлардаги ишларга жавобгарликни ҳис қилмаётганликлари, ташкилотчилик ишларини кўплаб йиғилишлар, мажлислар ўтказиш билан алмаштириб қўйганликларини кўрсатади.

Пленумда Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Сотиболдиев сўзга чиқиб, янгийўллик пахтакорлар Усть-лабинск қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг чақириғига жавобан, бу йил ўтган йилга нисбатан 6400 тонна кўп пахта етиштиришга аҳд қилганликларини ва олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида тинмай меҳнат қилаётганликларини айтди.

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари П. А. Кабачков партия ташкилотларининг асосий эътибори кадрларни ўқитиш ва тарбиялашга қаратилганлиги ҳақида гапирди.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари И. И. Ладушкин пахтакор, чорвадор ва сабзавотчиларнинг олинган мажбуриятни бажариш юзасидан социалистик мусобақани кизитиб юборганликлари, илғор хўжаликлар қолоқларга ўз тажрибаларини ўргатаётганликлари ва уларнинг илғорлар даражасига кўтарилишига яқиндан ёрдам бераётганликлари ҳақида кўпгина фактлар келтирди.

Пленумда Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли совхознинг бўлим бошқарувчиси Ф. Муталов, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Тимирязев номли колхознинг бригада бошлиғи М. Ковалева ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. В. Ажиновнинг колхоз ва совхозларда сотги сигирларни кўпайтириш ва сут етиштиришни ҳамда тайёрлаш планининг бажарилиши ҳақидаги доклади ҳам эшитилди ва муҳокама қилинди.

Пленумда Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов нутк сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

М. ҒОЗИЕВ.

Темир йўлни саноатимизнинг қон томири деб аташлари бежиз эмас. Пўлат нзлар бўйлаб куну тун халқ хўжалик юклари тинимсиз оқади. Шу кунларда Урта Осиё темир йўли меҳнаткашлари учун энг қизғин пайт келди: экиш кампанияси яқинлашмоқда. Дала меҳнаткашларини қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш — темир йўлчиларнинг биринчи галдаги вазифаси. Тўғри, ҳозир кўклам. Лекин йиғим-терим мавсумига шу кунларданоқ пахта тайёрланиш лозим. Суратда: «Ташсельмаш» заводида тайёрланган пахта териш машиналари дала меҳнаткашларига жўнатилмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ СИРДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТ БЮРОСИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон ССР составида Сирдарё области тузилганлиги муносабати билан республика касаба союзлари совети президиуми Ўзбекистон касаба союзлари советининг Сирдарё области бўйича ташкилот бюросини тасдиқлади.

Ташкилот бюросининг раиси қилиб А. Турсунбоев, секретари қилиб А. Г. Кашчеев тасдиқланди. (ЎзТАГ).

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН ХАБАРЛАР

ДЎСТОНА МАМЛАКАТГА ЁРДАМ

СССРда меҳмон бўлиб турган «Хэви электрикалс лимитед» Хиндистон давлат фармасининг вакилларига оғир электр ускуналари заводи қурилишининг совет мутахассислари ишлаб чиққан дастлабки чертёжлари топширилди.

Завод тепловой ва гидравлик электростанциялар учун умумий қуввати 2,7 миллион киловатт бўлган турбиналар ва генераторлар, шунингдек ярим миллион киловаттдан ортиқ қувватли бошқа электр ускуналари ишлаб чиқаради.

Совет Иттифоқи Хиндистонга миллий оғир саноатни барпо этишда кенг техника ёрдами кўрсатмоқда. Бхилаи металлургия комбинати ҳозир муваффақиятли ишлаб турибди, унинг қуввати йилига 2,5 миллион тонна пўлат эритишга етадиган қилинади.

(ТАСС).

ЖАНУБИЙ АФРИКА ИРҚЧИЛАРИГА ҚУРОЛ-ЯРОҒ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎХТАТИЛСИН

ЛОНДОН, 18 март. (ТАСС). «Жанубий Африкага ҳеч қандай инглиз қуроли юборилмасин!», «Жанубий Африка Республикаси билан савдо бойкот қилинсин!» — ноча Лондондаги Трафальгар майдонида ана шу шиор остида Англия қурол-яроғларининг Жанубий Африка Республикаси ҳукуматига етказиб берилаётганлигига қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди.

Митингда лейбористлар партиясининг раҳбари Гарольд Вильсон Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган ирқий камситиш сиёсатини қатъий қоралади.

ЗИМБАБВЕ ХАЛҚИ ҒАЛАБАГА ЭРИШАДИ

ҚОҲИРА, 18 март. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти доимий секретариатининг бош секретари Ассибои «Зимбабве куни» ўтказилиши муносабати билан ноча Қоҳирадаги матбуот конференциясида сўзга чиқиб, биз Англия ҳукуматининг ва Жанубий Родезиядаги оқ танли озчилик ҳукуматининг Африкадаги бу мамлакатда мустамлакачилик ҳукмронлигини абадийлаштиришга қаратилган найрангларини қоралаймиз, деб айтди.

Матбуот конференциясида Зимбабве Африка халқи иттифоқи партиясининг Қоҳирадаги вакили Мутизва ҳам сўзга чиқди.

Мутизва сўзининг охирида зимбабве халқи эрксевар халқларнинг ёрдамига таяниб, мустамлакачиларнинг кирдикорларига қарамай, курашни галабагача давом эттиради, деди.

БОСМАХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 18 март. (ТАСС). Нью-Йоркда иш ташлаган босмахона ходимлари ўз касаба союз раҳбарлари ва корхона эгалари келишиб олган янги колдектив шартномасининг шартларини рад этдилар. Ноча бўлиб ўтган йиғилишда забастовка қатнашчилари бу шартноманинг шартларини қониқарсиз, деб рад этдилар ва ўз талаблари тўла қондирилмагунча курашни давом эттиришга қарор қилдилар. Босмахона ходимларининг забастовкаси натижасида Нью-Йоркда саккизта йирик газета 100 кундан бери чиқмаётир.

Жанубий Вьетнамда икки йилдан буён ногодиньдьемчилар ва ҳарбий маслаҳатчи ниқоби остидаги америкаликлар халққа қарши курашмоқда. Суратда: америкалик капитан Маккензи (ўнгда) ногодиньдьемчи солдатга янкама-якна жанг қилишни ўргатмоқда.

ВИА — ТАСС фотоси.

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИДА

Ўзбекистонда янги сайланган меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг биринчи сессияларини ўтказилмоқда.

Самарқанд саноат область ижроия комитетининг раиси қилиб Ғ. Ғ. Юсупов, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси қилиб С. Асомов сайланди.

Андижондаги сессияларда саноат область ижроия комитетининг раиси қилиб П. Каюмов, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси қилиб У. Абдураҳимов сайланди.

Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси қилиб М. Умаров, Бухоро область ижроия комитетининг раиси қилиб Н. Бозоров сайланди.

Меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Советининг биринчи сессияси бўлиб, ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Сессия Сирдарё область Советининг ижроия комитетини сайлади. Область ижроия комитетининг раиси қилиб Е. Тасанбоев, унинг биринчи ўринбосари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область чиқариш бошқармасининг бошлиғи қилиб А. И. Рущкий сайланди.

Меҳнаткашлар депутатлари саккизинчи чақириқ Хоразм область Советининг биринчи сессиясида ижроия комитет сайланди. Хоразм область ижроия комитетининг раиси қилиб Ҳ. М.Муродов сайланди. Сўнгра сессия область аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида область ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Т. Курдиннинг докладини муҳокама қилди. (ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ПРОПАГАНДАСИ СЕКЦИЯСИ

19 мартда Ўзбекистон Фанлар академиясининг конференциялар залида Ўзбекистон Журналистлар союзи фан ва техника пропагандаси секциясининг таъсис йиғилишига олимлар ва журналистлар тўпланди. Йиғилишда фан ва техника проблемаларини матбуот ва радиода ёритиш йўллари муҳокама қилинди.

Секциянинг бюроси тузилди. Бюро раиси қилиб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётининг директори А. Е. Ёқубов сайланди. (ЎзТАГ).



ҲАЛҚАРО ТЕМАДА

СУРИЯДА НИМА ГАП?

Сўнгги вақтларда Яқин Шарқда кескин сиёсий воқеалар юз беряпти. Шу йил 8 февралда Ироқда ҳарбий тўнтариш бўлди. Бир ойдан сўнг, яъни 8 март куни бир группа суриялик офицерлар баъзи сиёсий арбоблар билан биргаликда Ҳолид Аъзам ҳукуматини ағдариб, ҳокимиятни қўлга олдилар.

Хўш, ҳукумат тўнтариши қандай вазиятда содир бўлди? Кейинги ойларда Сурияда кескин вазият вужудга келди. Ҳукумат аъзолари ўртасида ички ва ташқи сиёсат борасида келишмовчиликлар келиб чиқди. Сурия матбуотининг ёзишича, ташқилланган сиёсий партияларга йўл бериш ва парламентга сайловлар ўтказиш масаласи атрофида келишмовчилик бўлган. Натижада Ҳолид Аъзам ҳукуматининг аҳволи танглашиб қолган эди. Ана шундай вазиятда мамлакатда ҳукумат ўзгариши рўй берди. 7 мартдан 8 мартга ўтар кечаси исёнчи ҳарбий қисмлар пойтахтдаги радиостанция, телеграф ва телефон станцияларини, бош ҳарбий штаб биноси ҳамда бошқа стратегик пунктларни эгаллаб олдилар. Ўтган йили ҳукуматга қарши исён кўтарган генерал Ал-Атасси қамоқдан дарҳол озод қилиниб, армия бош қўмондони вазифасига тайинланди. «Баас» партиясининг раҳбарларидан бири Салоҳиддин Битар бош министр ва ташқи ишлар министри лавозимини эгаллади.

8 март эрта тонгда Дамашқ радиоси давлат тўнтаришига раҳбарлик қилган «Революцион қўмондонлик миллий кенгаши»нинг ахборотини эълон қилди. Унда янги ҳокимият барча халқаро битим ва шартномаларга амал қилади, Бандунг принципларига содиқ бўлади ва позитив бетарафлик сиёсатини юргизади, дейилган. Шунингдек, янги раҳбарлар Сурия «арабизм ва бирлик байроғини баланд кўтаради», дедилар.

Дастлабки кунданоқ мамлакатда қамал ҳолати жорий қилинди, барча чегара, аэродромлар беркитиб қўйилди ва бошқа шошилинч чоралар кўрилди. Чет эл информацион агентликларининг хабар беришича, Дамашқ кўчаларида кучли соқчи отрядлари, танклар ва бронемашиналар изғиб юрибди. «Революцион қўмондонлик миллий кенгаши» намойиш ва митингларни тақиқлаб қўйган. Сурия Араб Республикасининг собиқ президенти, армия бош қўмондони, олти министр ва бошқа бир қатор собиқ амалдорлар ҳибсга олинган. МЕН агентлигининг билдиришича, ҳарбий мамурлар Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Мустафо Аминни ва бир қанча коммунистларни қамоққа ташлаганлар. Айни вақтда қатор тараққийпарвар газета ва журналлар тақиқланган.

Чет эл матбуотининг ёзишича, Сурядаги давлат тўнтаришининг илҳомчиси «Баас» партиясидир. МЕН агентлигининг маълумотига кўра, янги ҳукуматнинг 11 министри шу партия аъзолари-дир. Ироқдаги қонли воқеалардан мамнун бўлган империалистлар Сурядаги ўнг баасчилар ҳам шояд антикоммунизм сиёсатини кучайтирса, деб умид қиляптилар.

Жаҳон матбуоти Сурядаги воқеаларни турлича шарҳламоқда. Масалан, Лондон газеталари Сурядаги аҳволни Ироқ воқеалари билан боғлаяпти. Баъзи Америка газеталари Сурядаги ўзгаришдан рози эканликларини ёзмоқдалар. Аксарият шарҳчиларнинг фикрича, Сурия Қоҳира ва Бағдод билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилмоқда. 14 мартда бош министр Салоҳиддин Битарнинг радио орқали айтган гаплари шу фикрнинг тўғри эканлигини кўрсатди. «Революцион ҳукумат, — деди бош министр, — Сурияни БАР ва Ироқ билан иттифоққа бирлаштиришни ўзининг асосий вазифаси деб, эълон қилади». 10 мартда Ироқ ҳукумат делегацияси Дамашққа келиб, Сурия ҳукмдорлари билан музокаралар олиб борди. Матбуотнинг ёзишича, ҳар икки томон Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ ва Сурия ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга қарор қилганлар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Америка ҳукмрон доиралари Яқин Шарқдаги воқеалардан манфаатдор бўлсалар-да, лекин бу воқеаларнинг Саудия Арабистони ва Иорданияга таъсир кўрсатишидан ғоят ташвишланяптилар. АҚШ давлат секретари Раск матбуот конференциясида ана шу масалага тўхталиб, Америка Саудия Арабистони ва Иорданияга қарши хавф-хатарнинг олдини олишга тайёр, деди.

Яқин Шарқда, жумладан Сурядаги воқеалар қандай натижага олиб келишини келажак кўрсатади. Лекин бундан қатъи назар, хоҳ Сурия, хоҳ бошқа мамлакатларда вужудга келган янги режим мамлакат ва халқ миллий манфаатларини кўзлаб иш тутгандагина қарор топиши ва мустаҳкамланиши мумкин.

А. БОСИТ.

Редактор ўринбосари А. ИСМОИЛОВ.

ҲОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

20 МАРТДА

Биринчи программа: 7.40 — Пионер эрталиги, 8.25 — Замондошларимиз ҳақида қўшиқлар, 10.10 — Концерт (Муқимий номли театр артистлари ижросида, 11.20 — Музика алифбеси (рус тилида), 12.30 — Ёшлар қўшиқлари, 13.30 Оммабоп қўшиқлар, 15.35 — Ўзбекистоннинг музика маданияти, 16.15 Ёшлар учун (ўзбек тилида), 17.40 — «Бир мужик қандай қилиб икки генерални боқди» (ўзбек тилида радиопостановка), 18.05 — Композитор Соловьев-Седой, 18.30 — Баҳор куйлари, 19.20 — Концерт (Қозоғистон эстрада оркестри ижросида), 20.00 — Қишлоқ хўжалик темасида (рус тилида), 20.10 — Симфоник куйлар, 20.45 — Суҳбат (коммунистик аҳлоқ ҳақида), 21.25 — Ойбек. «Қутлуғ қон» (рус тилида радиопостановка), 22.25 — Халқ чолғу асбоблари учун ёзилган асарлар, 23.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари талаби ижро этилади.

Иккинчи программа: 19.00 — Қардош республикалар ёзувчиларининг асарлари (рус тилида), 19.30 — Концерт (камер куйлардан), 20.10 — Индонезия қўшиқлари, 20.45 — Камчатка радиоси эшиттириши, 21.00 — Тожик қўшиқлари, 21.30 — Концерт (юрейс куйларидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Интернатимизда** (болалар учун). 18.15 — **Телевизион янгиликлар**, 18.30 — **Расул Гамзатов** («Ленин мукофоти номзодлари» циклидан), 18.55 — **Баҳорги экишни муваффақиятли ўтказайлик** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.10 — **Шимол камалаги** номли бадиий фильм, 20.40 — **Шахмат бўйича республика биринчилиги мусобақаси.**

Рус тилида: 21.00 — **Порла, комсомол прожектори**, 21.25 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида). 22.05 — **Телевизион янгиликлар**, 22.20 — **Моцарт ва Сальери** номли фильм-опера.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.00 — Рассом **Тонр Салоҳов** («Ленин мукофоти номзодлари» циклидан), 19.20 — **Тинчқ осмон** номли бадиий фильм, 21.00 — **Илғор чорвадорлар студиямизда** (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Гамлет**, 21/III да **Юлий Цезарь.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—20/III да **Алпомиш.**

КИНО

Ҳамкасблар — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Меҳрга муҳтож яна бир киши — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЭШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12 да).

Хуано Гальо—«ДРУЖБА» (1-залда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 мартда

„ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР"

АТТРАКЦИОНИ.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Иван Рубаннинг

ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

20, 21, 23 мартда

Ўзбек Давлат эстрадаси

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, эстрада солисти **Фахриддин Умаров** ва бошқалар қатнашади.

Программани **Ғулом Тожиаълоев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилган.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

мактаб ўқувчиларининг баҳор каникул кунларида

қўйиладиган спектакларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

24/III да — кундуз **Олтин калит**, кечқурун **Флория Тоска.**

25/III да—кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Оққуш йўли.**

26/III да — кундуз **Этим кийган мушук**, кечқурун **Маскарад.**

27/III да — кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Зайнаб ва Омон.**

28/III да — кундуз **Коппелия**, кечқурун **Риголетто.**

29/III да — кундуз **Русалка**, кечқурун **Момақалдироқ сўқмоғидан.**

30/III да — кундуз **Этим кийган мушук**, кечқурун **Флория Тоска.**

31/III да — кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Гулсара.**

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

30 март кеч соат 6 да техникумни тамомлаб кетган ўртоқлар билан

ТРАДИЦИОН УЧРАШУВ

КЕЧАСИ УТКАЗАДИ

Техникумнинг қатнаб ўқийдиган ва сиртдан бўлимларини тамомлаган ўртоқлар таклиф этилади.

30 МАРТДА ЕРЕВАН ШАҲРИДА

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ

92-АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда заёмнинг ўн олти разрядига 7.440.320 сўмлик 136000 ютуқ, шу жумладан:

5.000 сўмдан	32	ютуқ,
2.500 сўмдан	80	ютуқ,
1.000 сўмдан	400	ютуқ,
500 сўмдан	1280	ютуқ,
100 сўмдан	11200	ютуқ,
40 сўмдан	123008	ютуқ,

ўйналади.

3 % ли заём облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.

3 % ли Давлат ички ютуқ заёми облигацияларини сотиб олинг!

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

техникумга кириш учун тайёрлайдиган

КУРСГА

7,8-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Туркўрғон кўчаси, 45-уй.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

1 апрелдан кинотеатрлар экранига

Қуёш, ёмғир ва табассум

НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ ХРОНИКАЛ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.

Фильм устида ишлаганлар: Ёзувчи — **В. Зорин.** Журналист — **А. Кривопалов.** Режиссёрлар — **Е. Вермишева, А. Махнач.** Бош оператор — **А. Колошин.**

Бу фильм Ёлсьинки шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар VIII Халқаро фестивали ҳақида ҳикоя қилади. Фильмни ҳужжатли фильмлар Марказий студияси ишлаб чиқарган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ТАБИАТ МУЗЕЙИ

кактабларнинг каникул кунларида

ЎҚУВЧИЛАР экскурсияларига

КЕНГ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Сагбон кўчаси, 16-уй, телефон 4-33-72.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Қурилиш министрлигининг

2-АВТОТРАНСПОРТ КОНТОРАСИ

3-КЛАСС ШОФЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4 ОЙЛИК КУРСГА

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Стипендия тўланади.

Ўқиш 15 апрелдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бакинская кўчаси, 179-уй, телефон 2-55-79.

Тошкент шаҳрининг янги

мебель магазинида

ҳилма-хил

МЕБЕЛЬ

гиламлар, дераза пардалари, кроватлар, карнизлар ва уй-жойни шинам қиладиган бошқа товарлар

СОТИЛМОҚДА

Мебелни насияга ҳам олиш мумкин.

Магазин эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача ишлайди.

Магазиннинг адреси: Богдан Хмельницкий кўчаси, 1-уй, (1,4-трамвайнинг «Бешёғоч», 2, 3-троллейбусининг «Пойафзал фабрикаси» ёки «Ғўшт комбинати» остановкаси.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06780. Индекс 64543. Нашр. № 67.